Ғоя ва мафкура тушунчаларини ижтимоий-фалсафий таҳлили

Абдулла Мансуров Сайфуллаевич
Наманган муҳандислик технология институти катта ўқитувчиси

Инсон тафаккурига таянган фан тараққиёти олам каби узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда тасдиқланмаган, эскирган фикрлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади. Миллатлар ташкил топган даврлардан, миллий ғоя ва мафкуралар энг долзарб, сиёсий – ижтимоий, маънавий масала ҳисобланиб, жамиятни соғлом, эзгу мақсадлар сари бирлаштириб, оммани маънавий руҳият жиҳатдан тарбиялашга катта ҳисса қўшган[1,12].

Ҳозирги замон ижтимоий фанларида энг кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, мафкура борлиққа бўлган қарашлар мажмуаси, уни англаш, ўзлаштириш ҳамда маълум индивидлар, гуруҳлар, синфлар, миллатлар, инсоният каби ижтимоий муносабат субъектлари манфаати, мақсади ва қадрияти йўлида уни ўзгартиришга уриниш билан узвий боғлиқ.

Мафкура (араб. - фикрлар мажмуи, нуқтаи назарлар, эътиқодлар тизими) – муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат, жамият ёки давлатнинг манфаатлари, орзу-истак, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоявий-назарий қарашлар ҳамда уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги куни ва истиқболи ўз ифодасини топади [2,185].

Мафкура (араб. «мафкура» – фикрлар, нуқтаи назарлар ва эътиқодлар тизими, мажмуи) – жамиятдаги муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, бадиий, фалсафий, илмий қарашлар, фикрлар ва ғоялар мажмуи [3,196].

Рассмотрим одно из наиболее распространенных определений идеологии. «Идеология – совокупность системно упорядоченных взглядов, выражающих интересы различных сотсиалных классов и других сотсиалных групп, на основе которой осознаются и отсениваются отношение людей и их общностей к социальной действительности в целом и друг к другу и либо признаются установленные формы господства и власти (консервативные идеологии), либо обосновывается необходимост их преобразования и преодоления (радикалные и революционные идеологии)» [4].

Мафкура кенг маънода: ижтимоий борлиқнинг жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгида акс этиши, инсон томонидан англаниб, бутун тизим ҳолига келтирилиши ва бу тизимнинг Амалий фаолиятда назарий асос ҳамда руҳий таянч бўлиб хизмат қилишидир.

И, все-таки, более подробно мы остановимся на понятии «идеология». Нам кажется, что достаточно часто это понятие стало подменят, а иногда и полностью заменят, такие слова, как «идея» и «мировоззрение». Общеизвестно, что человеком, который ввел в философский и научный понятийный аппарат слово идеология, был Дестю де Траси, современник Наполеона. Идея заключалос в том, что идеология – это будущая наука о всеобщих законах образования идей (эйдос – прообраз, логос – разум, учение) [4. 147].

Мафкуранинг моҳияти фақат унинг асосий ғоялари воситасида эмас, шу ғояларга эришиш усуллари ва воситалари, умумэътироф этилган тамойиллари, уларнинг аксарият омма манфаатларига мослиги орқали ҳам намоён бўлади. Ўзининг мудҳиш талаб-эҳтиёжлари ва ёвуз ниятларини бошқа халқлар ҳисобига қондиришни кўзлаб ҳаракат этувчи мафкуралар ҳалокатга маҳкумдир.

Айрим адабиётларда мафкура жамиятдаги барча кучлар ижтимоий қарашларини «системалаштирилган илмий билимлар йиғиндисидир» деб таърифланади. Бу ҳозирги замон илмий-фалсафий фикрлар нуқтаи – назаридан тўғри албатта. Бироқ, ҳар қандай мафкуранинг асосини «системалаштирилган илмий билимлар йиғиндиси» ташкил этади дейиш билан чегараланиш мумкин эмас. Масалан, собиқ Шўролар даври мафкурасининг негизида бош ғоя

ётар эди. Ўша ғояни узоқ вақт «системалаштирилган илмий билимлар йиғиндиси» деб кучли мафкуравий воситалар ва таъсирли усулублар ёрдамида одамлар ишонтириб келинди, жуда кўп кишилар унга эътиқод (ихлос) қўйиб, ҳаёт маъносини белгиладилар. Аммо, ўша мафкура негизидаги ғоя илмий асосга эга эмаслиги, балки у тоталитар давлат тузумини, буюкрусчилик ва буюкдавлатчилик шовинизмини барқарор этишга хизмат қилиши аён бўлгач, халқ оммасида унга ишонч йўқолди ва у мафкура тавқилаънатга учради. Ёки Титефнинг миллий сотсиализм тўғрисидаги ғояси ҳам асло илмий эмас эди. Унинг оқибатлари нимага олиб келгани жаҳон афкор оммасига аён. Демак, мафкура ва миллий мафкура негизини ташкил этадиган бош ва асосий ғоялар ғайри – илмий асосларга ҳам эга бўлишини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Юқорида айтилганлардан маълум бўладики, мафкура фақат ғоялар тизимидан иборат эмас, айни чоғда муайян олий ижтимоий мақсад ифодаси бўлган бош ғоя ва асосий ғояларни ҳар бир одам онгига етказувчи, унинг қалбида, руҳида бу ғояларни барқарор қилувчи ижтимоий институтлар, ғоявий таъсир ўтказувчи воситалар, услублар, йўллар мажмуаси ҳамдир.

Э. Юсупов жамият тараққиётининг ҳал қилувчи омили инсон ва унинг онги фаолияти эканини таъкидлаб, ана шу онгли фаолиятни муайян бир мақсадга йўналтирадиган, ғояларга аниқ-равшанлик киритадиган ва оммани сафарбар этадиган восита мафкура деб ҳисоблайди. Мафкурага эътибор бермаслик тараққиёт имкониятларини чеклаб қўяди. «Демак, аниқроқ қилиб айтсак, - дейди муаллиф, - мафкура ғояларда ифодаланган, жамият олдида турган мақсадлар ва вазифаларни бир-биридан фарқ қилувчи эхтиёжлар ва манфаатларга таяниб баҳолаш, уларни ҳал этишнинг ўзига хос йўлларини белгилаш, шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда омманинг онгига таъсир этишнинг турлича йўлларини белгилашдир»[5,70].

Ғоя - мафкура - ижтимоий онг формаларидан бири бўлиб, у ҳар қандай жамиятнинг устқурмасида ўз ифодасини топади. Фоя - мафкура фалсафий тушунча бўлиб, маълум мақсадга қаратилган инсон ақл-заковатини ифода этувчи ғоялар ва қарашлар йиғиндисидир. Аммо, ҳар қандай фикр ва қараш ҳам ғоя бўла олмайди. Фоя инсон онгида пайдо бўлсада инсон ва жамият руҳиятига сингиб боради. У одамнинг ички дунёсига кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, етакловчи кучга айланади.

Адабиётлар рўйҳати

1. Рахимов С., Машарипов И. “Миллий истиқлол ғояси” . “Иқтисод – молия” - Т.: 2005 йил.12-б

2. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т.:Академия, 2007. 185-б.

3. Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. Тошкент. “Шарқ” нашриёти. 2004йил.196-б

4. Идеология (Г.Ю. Семигин) // Новая философская энцикл.: в 4 т. М.: Мысл, 2010.

5. Иванова А.С Начала идеологии. Антуан Дестю де Траси и его наука об идеях // Вопросы философии. 2013. № 8. С. 146-149.

6. Юсупов Э. Миллий гоя ва мафкура: мохияти, ижтиомий-тарихий илдизлари, ахамияти. Шимкент. 2001 йил.70-б

https://wordlyknowledge.uz